Агар умматимга машаққат қилиб қўймаганимда эди

08:32 / 11.09.2019 2547

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَوْلَا أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي، لَأَمَرْتُهُمْ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ بِوُضُوءٍ وَمَعَ كُلِّ وُضُوءٍ بِسِوَاكٍ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар умматимга машаққат қилиб қўймаганимда эди, уларни ҳар намозга таҳорат қилишга ва ҳар таҳоратда мисвок ишлатишга буюрар эдим», дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.